



# Ташкент Оқшом

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (11.951)

Баҳоси эркин нарҳда



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Юртимизда байрамлар кўп. Улар орасида Энг улуғи, энг азизи, шубҳасиз, ҳурлик, мустақиллик, истиклол айёмидир. Обод ва озод юртимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги шодиёналарига қизгин тайёргарлик кўриладиган айни кунларда бу яна бир бор ёрқин намоён бўлаётир.

### ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



### ВАТАННИ МАДҲ ЭТУВЧИ КЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

Жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларида ёшу қари барча-барчанинг қалби Истиклол нашидасидан баҳра олиб, шундай дорилмон кунларга етказганига чин дилдан шукроналар билдиришмоқда. Зеро, халқимиз эришган улуғ неъматлар — тинчлик ва осойишталик, фаровонлик, инсон манфаатларининг устуворлиги, барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар — буларнинг бари истиклол шарофатидандир.


Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Сергели, Чилонзор ва Юнусобод тумани ҳокимликлари томонидан «Буюк ва муқаддасан, мураккаб Ватан» шiori остида ўтказилган маърифий-маданий тадбирда мазкур туманлар маҳалла оқсоқллари, фаоллари, намунали оилалар, ну-

мизга, маънавиятимизга қаратилган катта эътибор, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иш ўринларини кенгайтириш масалалари дейсизми, ҳамма-ҳаммаси инсон манфаатлари учун қилинаётганлигини ифтихор билан таъкидладилар.

Тадбирда Мустиқиллигимизнинг йигирма йиллик даврида

Истиклол берган саодат, ҳурлик туфайли шундай нурафон кунларга етиб келган дуоғўй отахон ва онахонлар даврасига келиб, уларни сўхбатга тортидик.

— Ҳаётнинг зийнати — тинчлик, фаровонликда мазмули умр кечиришдир, — дея сўз бошлади Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласидан келган Насриддин



роний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар, тадбиркорлар ҳамда ёшлар, маданият ва санъат намоёндалари иштирок этишди. Байрам тадбирида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва бошқалар сўзга чиқиб, мустиқиллигимизнинг йигирма йиллик ўтган қисқа даври мобайнида мамлакатимизда асрга татигулик ютуқларга эришилганлигини, Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, жумладан, замонавий таълим, тиббиёт масканлари, спорт мажмуаларининг барпо этилганлиги, шунингдек, ёшлари-

ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, диаграммалар ва фототасвирлар, жумладан, учала туман маҳаллалари, тадбиркорлар, касаначилар, ҳунармандларнинг бадиий-амалий санъат кўргазмалари, гул сайли ва нон кўргазма савдоси боғга ташриф буюрган меҳмонларнинг эътиборини тортиб, илиқ таассурот қолдирди. Халқ ҳофизлари ҳамда эл севган хонандалар ижросидаги муштов ва истиклолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, аскиячилар, фольклор жамоаларининг чиқишлари байрам тадбирига ўзгача шодиёна руҳ бағишлади.

Ҳожиёв. — Ҳозир ёшим 77 да. Рафикам Фарида Ҳожиёва билан 52 йил бирга турмуш қуриб, фарзандларимизни ўқимашли, меҳнатсевар қилиб тарбияладик. 43 йил ғишт заводда меҳнат қилганман. Ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келган. Эҳ, нималарни бошдан кечирмадик. Бундай кунларни орзу қилиб не-не инсонлар ўтиб кетди. Мустиқилликдек буюк неъматни кўрсатганига шукр. Шу азиз Ватанда азиз бўлаётган инсонларни, айниқса қарияларни, ёшларни қадрлаётган, юрт тинчлиги, фаровонлиги учун қайғураётган Юртбошимизга минг раҳмат. Жаннат макон юртимизга кўз тегмасин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон ўзининг бетакрор тарихий обидалари, бой маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан сайёҳлар ва хорижлик меҳмонларни мафтун этмоқда. ЎЗА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

### Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

### «ХАЛҚИНГИЗНИНГ УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ БАРЧАНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»

Андрей ВАНЕЛИК (Польша):

— Ўзбекистонга оилам билан келдим. Ёзги таътилни бу йил мамлакатимизда ўтказиётганимиздан қувончимиз чексиз, айниқса, фарзандларим жуда хурсанд. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун яратилган шароитга ҳар қандай ривожланган давлатнинг болалари ҳам ҳавас қилади, деб ўйлайман. Юртингизнинг тоғли худудларидаги дам олиш масканларида бўлдик.

Сайёҳлар аввало тинч ва осуда жойларга интиладилар. Кўп юртларда бўлганман. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек мафтун этмаган. Пойтахтингизнинг соя-салқин боғлари, сержило фавворалари, кенг ва озода кўчалари, замонавий улкан иншоотлари, энг муҳими, меҳмондўст одамлари бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Афика Хумайра АБДУЛЛОХ хоним (Малайзия):

— Ўзбекистон — гўзал тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ва ҳушманзара масканларга жуда бой мамлакат. Ҳар келганимда Ҳазрати Имом меъморий маънасини зиёрат қиламан. Бу ердаги Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди ва бошқа бетакрор обидалар халқингизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг ёрқин намоёнидир.

Мамлакатингизда мустиқиллик йилларида қадимий обидаларни тиклаш, шаҳар ва қишлоқларни обод этиш, халқ фаровонлигини оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этаётган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бу сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этувчи энг муҳим омиллардир.

Мухаммад МЕРҲИ (Бирлашган Араб Амирликлари):

— Ўзбекистонда фан-таълим, маданият билан бир қаторда санъат ҳам юксак даражада ривожланганининг гувоҳи бўлдим. Ўзбек муштов куй-қўшиқлари, жозибадор миллий рақси дунё аҳлини ўзига мафтун қилишга қодир. Гўзал ва бетакрор санъатингиз намуналаридан баҳраманд бўлганимдан гоъл мамнунман.

Пойтахтингизнинг тунги қиёфаси кишига катта завқ бағишлайди. Сержило нур таратаётган ранг-баранг чироклар шаҳарга байрамона руҳ бағишлайди.

Юртингизнинг гўзал табиати, замонавий бинолари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Ватанимга қайтганда, бу ерда кўрган-кечирганларим ҳақида дўстларимга батафсил сўзлаб бераман.

Амит СЕҲГАЛ (Ҳиндистон):

— Мамлакатингизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўплаб қадимий шаҳарларидаги тарихий обидалар кўп асрлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳалари изчил ривожланмоқда. Мамлакатингиз бошқа соҳалар қатори тўқимачилик соҳада ҳам улкан салоҳиятга эга. Ўзбек матоларидан тайёрланган либослар замон талабларига тўлиқ мос келиб, майинлиги, табиийлиги, кўркამ ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Шу боис мен мамлакатингизда ишлаб чиқариладиган гўзал матолардан харид қилдим.

Нодира МАНЗУРОВА  
ёзиб олди.

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги «Себзор» маҳалласида Мустиқиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — ягона уйимиз» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКISTON** Давлат консерваториясида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент халқаро аэропортида гандбол бўйича Гонконг очик чемпионатида қатнашиб совринли ўринни эгаллаб қайтган Ўзбекистон терма жамоаси муносиб кутиб олинди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Пойтахтимизда «Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари» лойиҳаси доирасида навбатдаги семинар-тренинг бўлиб ўтди. Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг ушбу босқичи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, турли вазирликларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари, олим ва экспертлар, мутахассислар иштирок этмоқда.

• Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги жорий йилда иш бошлаган «Sungrentex» масъулияти чекланган жамияти ўтган қисқа вақт ичида бюртмачиларга 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришди. Болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона Россиянинг «Дизайн груп» компанияси томонидан киритилган 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя эвазига лойиҳалаштирилган эди. Натижада цехлар хорижнинг илғор ускуналари билан таъминланиб, бу ерда йилига 1,2 миллион дона болалар кийими тайёрлаш имконияти юзага келди.

• «Наманган тола-текстиль» масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш тадбирлари амалга оширилган, чигитни линтерлаш ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 3 миллиард 940 миллион сўмлик кредити кўл келди. Пировардида бу ерда йилига 110 минг тонна линтер ва 8 минг тонна ўсимлик ёғи тайёрлаш имконияти юзага келди. Янги ускуна ва жиҳозлар ёрдамида ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи экологик жиҳати ва сифати бўйича халқаро андозаларга тўла мос келади. Яна бир эътиборли томони, янги лойиҳа шарофати билан кўшимча 200 та иш ўрни яратилди.

• «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи якунланди. Унда танловнинг маданият ходимлари ўртасида ўтказилган шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

• Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида Франциянинг География жамияти билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда сув-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш: Ўзбекистон позицияси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда тегишли идоралар вакиллари, ОАВ ходимлари, ЮНЕСКО ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

• Россия федерал хавфсизлик хизмати томонидан пойтахт худудида ҳаракатланаётган транспортда амалга оширилиши кўзда тутилган терактнинг олди олинди.

• Халқаро Валюта жамғармаси Грецияга 3 миллиард 200 миллион евро миқдоридан маблағ ажратди. Расмий Афина ушбу маблағни ташқи қарзлари фоизини ёпиш учун сарфлайди. Халқаро валюта жамғармаси раҳбариятининг билдиришича, «Иқтисодни тартибга солиш» дастурига биноан Греция иқтисодийотида айрим ижобий ўзгаришлар қайд этилган.

• Лондонда Brent нефтининг электрон савдо биржаларидаги қиймати 0,86 долларга тушиб кетганлиги маълум қилинмоқда. Унинг ҳозирги нархи 116,49 доллар/баррни ташкил этади.

• Сомали қароқчилари томонидан Нигерия қирғоқларидан 50 километр узоқда Ганнадан Бенинга томон ҳаракатланиб кетаётган танкер қўлга олинди.



# ВАТАНПАРВАР

## МАРДЛИК, МАҲОРАТ БЕЛЛАШУВИ

**Маълумки, Қуролли Кучларимизда турли танлов ва спорт мусобақаларини ўтказиш аънанга айланб, буларнинг замирида ҳарбий хизматчиларнинг билим ва маҳоратини ошириш, жисмоний тайёргарлигини юксалтиришдек мақсадлар бор.**

Ҳар йили ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Қуролли Кучлари парашют кўпкураши бўйича очик чемпионатининг ҳам бу борада ўз ўрни бор. Йилдан йилга мусобақанинг савияси кўтарилиб, унда иштирок этиётганлар сонини ортиб бормоқда. Тошкент ҳарбий округига қарашли парашют билан сакраш ўқув майдончасида уюштирилган мусобақа ҳам ўта қизгин баҳслар остида ўтди.

— Мазкур мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ўртасида парашют спортига қизиқишни янада орттириш, уларнинг ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича билимларини тақомиллаштириш ва синновдан ўтказиш, юқори натижаларга эришган иштирокчиларнинг халқаро турнирларда қатнашишини таъминлашдан иборатдир, — дейди офицер Шавкат Магдиев. — Энг қувонарлиси, бу мусобақа орқали биз йилдан йилга янги иштирокчилар ва чемпионларни кашф қилаймиз.

Мусобақа икки босқичда ўтказилиб, ҳар бир шарт бўйича голиб жамоа ва иштирокчи номи аниқланади. Чемпионатнинг якунида барча шартлар бўйича юқори натижага эришган жамоа ва иштирокчиларнинг кўлга киритган баллари умумийлаштирилиб, голиб ва совриндорлар эълон қилинди.

Шу ўринда мусобақанинг шартларига тўхталиб ўтасак. Иштирокчилар чемпионат довомида парашют билан аниқ нуктага қўниш, 1000 метрга югуриш, гранатани белгиланган масофага улоқтириш ва пневматик қуролдан нишонларга ўқ отиш бўйича баҳсланишди.

Югуриш майдончаси. Бу ерда иштирокчилар жамоа бўлиб 1000 метрга югуриш баҳсида қатнашади. Ушбу шартда сержант Хикмат Рустамов сардорлигидаги Шарқий ҳарбий округ жамоаси пешқадам бўлган бўлса, яқка тартибдаги голиблик шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мансур Атабоевга насиб этди.

— Мазкур чемпионатга жамоамиз билан бирга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди сержант Х.Рустамов. — Илк шартдан муваффақиятли ўтиб, жамоамиз учун муҳим бўлган балларни кўлга киритдик. Бу жамоамиздаги ҳар бир иштирокчининг янада руҳлангани, кейинги шартларда ҳам яхши натижаларни қайд этишга қарасак, ажабмас.

Иккинчи шартда иштирокчилар гранатани аниқ нуктага улоқтириш бўйича беллашдилар. Бунда қатнашчилар бор куч ва ғайратларини ишга солиб, юқори баллини ўз ҳисобларига ёзиб қўйишга интилишди. Бу шартда яқка тартибдаги баҳсда голиблик шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Элёр Оқбоевга насиб этган бўлса, жамоалар орасида Навоий кон металлургия комбинати тасарруфидоги «Зардан» клубига тенг келади дегани топилмади.

Пневматик қуролдан нишонларга ўқ отиш нуктаси. Бу шарт орқали иштирокчиларнинг мерганлиги синновдан ўтказилди. Улар белгиланган

ган бир неча нишонларга ўқ отиб, мерганлик борасидаги маҳоратларини намойиш этишди. Якуний натижага кўра, яқка тартибдаги пешқадамликка кичик сержант Темури Тилолов сазовор бўлган бўлса, унинг етакчилигидаги Шарқий ҳарбий округ жамоаси 1-ўринга лойиқ деб топилди.

— Мазкур чемпионат ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмонан камол топишида ва парашют спорти бўйича маҳоратлари ошишига улкан замин яратиб келмоқда, — дейди мусобақанинг пневматик қуролдан нишонларга отиш шартини қўйган катта ҳақами майор Фазлиддин Омонов. — Иштирокчиларнинг ҳаракатларини кузатиб, уларнинг ҳар бирда голибликка бўлган иштиёқининг кучли эканлигини ҳис қилдим.

Энди чемпионатнинг асосий, яъни, парашют билан аниқ нуктага қўниш шартига тўхталасак. Бу шартда иштирокчилар мурасасиз баҳс олиб боришди. Чунки, ушбу шарт асосий голибликка даъвогарлар учун энг юқори баллини кўлга киритиш имкониятини беради.

Ярим финалгача бўлган жараёнда барча бирдай илгорликка интилади. Ҳақамлар ҳар бир иштирокчининг натижасини қайд этиб боришди. Шу тариқа энг маҳоратли ўнта иштирокчи ярим финалгача чиқди. Финал йўлланмасини кўлга киритиш учун бўлган уринишлар ўта қизгин кечди. Ҳақамлар энг юқори натижаларга сазовор бўлган беш иштирокчи финал йўлланмасини беришди.

Финал. Барчанинг диққат-этибори осмон узра учётган вертолётда. Яна санокли дақиқалардан сўнг, ундан финалчилар парашют билан аниқ нуктага қўниш учун сакрайдилар. Қўтилган онлар етиб келди. Иштирокчилар бирин-кетин вертолётдан сакрашди. Ҳавода турли машқларни бажаришиб, финалчилар белгиланган нуктага аниқ ва тўғри қўнишга ҳаракат қилишди. Бу шартда энг юқори натижани Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик Билми юрти вакили кичик сержант Андрей Самойлов қайд этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Қуролли Кучлар хизматчиси Михаил Ленченко ва кичик сержант Абдумалик Рашидовлар сазовор бўлишди.

Қуролли Кучлар парашют кўпкураши бўйича очик чемпионатининг якуний натижаларига кўра, мутлақ голиблик катта лейтенант Александр Фроловга насиб этди. Кичик сержант Темури Саидов сардорлигидаги Шарқий ҳарбий округ жамоаси эса мусобақанинг энг кучли жамоаси сифатида эътироф этилди. Яқка тартибдаги баҳсларда иккинчи ва учинчи ўринларга «Зардан» жамоаси сардори Голиб Тилолов ва Азиз Шодиёвлар лойиқ топилган бўлса, «Чимган» ва «Лочин» жамоалари мос равишда кейинги ўринларни банд этишди.

Чемпионат якунида голиб ва совриндорларга медаллар, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ақбар ОЧИЛОВ,**  
лейтенант

## Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлашни олий мақсад қилган ҳарбий хизматчиларимиз айна кунларда ўқув йили машғулотларини кўтаринки суръатда ўтказиб, жанговар шайлиқни, билим ва маҳоратларини янада ошириб боришмоқда.

Маълумки, амалий машғулотлар олинган назарий билимларни мустаҳкамлаб, ҳарбий хизматчининг тажрибасини орттириш асосини яратди. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларни дала-ўқув машғулотларига катта эътибор қаратиш, соҳалари бўйича малакаларини ошириб, жанговар тайёргарликда юксак натижаларни кўлга киритишга аҳд қилишган.

...Ҳарбий қисм дала-ўқув машғулотлари майдони. Бу ерда барча мутахассисликлар бўйича амалий машғулотлар олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Яъни, жанговар маънавий-маърифий, жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва кундалик аҳборотлар бурчаги орқали янгилликлардан воқиф бўлиш учун кенг имкониятлар бор.

— Қисм дала-ўқув машғулотларини ўтказиш майдони зарурий воситалар билан жиҳозланган, — дейди офицер Алишер Ризаев. — Шахсий таркибининг пухта билим олиши, тажрибасини мустаҳкамлаб бориши учун бу ерда барча шароитлар етарли. Айна кунларда ҳарбий хизматчиларимиз ўқув йили режасига биноан бу ерда тактик ўқув машғулотларини ўтказиб, кўникмаларини ошириб, илгорлар сафидан жой олиш учун интилишмоқда. Дала-ўқув майдонидида бўлганимизда офицер Файзулло Абдуллаев етакчилигидаги гуруҳ шахсий таркиби тактик машғулотларидоги ушшоқчилик ва жипслик уларнинг ҳаракатидан аққол сезилиб турибди. Албатта, жипслик ва ҳамжихатлик бор ҳоҳида муваффақиятга эришиш осон бўлади. Шу боис бўлса керак, гуруҳ шахсий таркиби ўтган ўқув йили якуний назорат синнов машғулотларида илгорлар сафидан жой олиб, қисмда «Энг илгор гуруҳ» дея эътироф этилган.

— Взвод командири офицер Хайрулло Каримовнинг режасига асосан гуруҳ шахсий таркиби дала-ўқув майдонидида тактик машғулотларини олиб бормоқда. Саф тайёргарлиги ва амалий машғулотга тайёргарлик қилиш жараёни тугаганидан сўнг, шахсий таркиб белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, турли тактик машқларни бажаришга киришди.

## ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

— Ҳаракат мобайнида ҳар бир ҳарбий хизматчи маскировкага эътибор қаратиб, ўз йўналишини сергаллик билан кузатиб бормоқда. Тоғли ҳудуд айлани пайта ям-яшил майсалар билан қопланган. Шу боис гуруҳ аъзолари жой шартидан келиб чиққан ҳолда маскировка қилишган. Икки кунлик ҳаракатдан сўнг, гуруҳ қалин арчазорлар билан қопланган ҳудудга яқинлашди. Гуруҳ командири шахсий таркибини бир жойга жамлаб, уларни янада хушёр ва сергал бўлишга қорлади ҳамда навбатдаги вазифа бўйича топшириқ қўйди. Топшириқка кўра, гуруҳ мергани кичик сержант Альберт Айдузов қалин арчазорлар билан қопланган ҳудудда кузатув ишларини олиб бориш лозим. Унга кичик сержант Давлат Холматов ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жумақўзи Буривалев ёрдам беришди. Улар кузатув ишларини олиб бораётган вақтда гуруҳ командири қолган ҳарбий хизматчилар билан қидирув, ҳужум ва чекиниш ҳамда мудофаа чизигини ташкил этиш бўйича тактик машқларни олий борди. Йигирма тўрт соат

Хизмат сафарлари довомида кўплаб намунали ҳарбий оилаларда бўлиб, туркум мақолалар тайёрлаймиз. Куйида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Файзиевлар оиласи ҳам ҳарбий шаҳарчада аҳил ва иноқ ҳаёт кечираётганлардан бири десак муболага бўлмайди.

## ОИЛА БАХТИ — АҲИЛЛИКДА

Албатта, эр ва хотиннинг аҳиллиги, уларнинг бир-бирига бўлган самимий ва меҳрли муносабати оила мустаҳкамлиги учун замин яратди. Шунингдек, бу муносабатлар фарзандлар тарбиясида, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз офицер Тўйчибек Файзиевлар хонадонидида бўлганимизда бу даргоҳда ҳукм сурётган осойишталик ва эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабатидан тўғриси, жуда қувондик. Фарзандлар юз-кўзларидан ҳам бахтиёрлик, қувонч зоҳир. Қўмондонлик томонидан берилган шинамгина уй, замонавий жиҳозланган хоналар ҳарбий хизматчиларга давлатимиз раҳбариятининг эътиборидан далолат. Доимо юздан табассум аримайдиغان хонадон бекаси Дилфузахон — Тўйчибекнинг бахти. Уларнинг икки нафар ширин фарзандлари бор: бир ўғил, бир қиз. Мана шу ҳавас қилса арзигулик оиланинг бу мавқега етунига қадар ҳаётнинг бир қатор синовларидан ўтишга тўғри келган. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Икки ёш мактаб даврида бир-бирига кўнгли қўйишди. Бу онларни барчамиз ички соғинч билан ёдга оламиз. Чунки устозлар, синфдош дўстлар, мактаб даври билан боғлиқ қизиқarli воқеалар... буларнинг бари энг ёқин хотира бўлиб муҳрланган. Бу даврда қалбларга меҳмон бўлган муҳаббатнинг тотти ҳам ўзгача. Уларнинг қалбига ҳам худди ана шу даврда сеҳрли ишқнинг инжу туйғулари ҳамроҳ бўлди. Орадан йиллар ўтди. Бу орада Тўйчибек мактабини тамомлади ва ўзи орау қилганидек Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирди. Энди икки ёш дил кечинмаларини фақат хат орқали баён этар эдилар. Уларнинг бир-бирига қай даражада садоқатли эканлиги айнан мана шу дилларда синновдан ўтди, десак хато қилмаймиз...

Тўйчибек олий ҳарбий билим юртини тамомлаганидан сўнг, Дилфузахон билан тўйларни бўлиб ўтди. Мана шунга ҳам сажки йилга яқин вақт бўлди. Офицер Тўйчибек Файзиев шу кунга қадар Ватан тинчлигини сақлаш йўлида астойдил хизмат қилиб келаяпти. Дилфузахон эса унга елкадош. Дароқе, Дилфузахон моҳир тикувчи. Шу ҳўнари эса қўни-қўнларига ҳам яхшигина асқотаяпти. Ҳа, аёл кишини беэаб турувчи энг гўзал фазилатлардан бири унинг ҳўнармандлигидир. Шу боисдан ҳам бирор-бир ҳўнарнинг бошидан тутган аёлнинг рўзғори обод бўлади, дейишарди.

Бугунги кўн аёли барча соҳада Ватан равнақи, юрт ободлиги учун эркаклар билан бир қаторда фаолият олиб бормоқда. Шундай бўлса-да яна бир соҳа борки, унда хизмат қилаётган аёллар алоҳида эътирофга лойиқ. Бу — ҳарбий соҳадир. Эндилликда шарафли касб эгалари қаторида аёлларимиз ҳам кўпчиликини ташкил қиладилар. Ана шундай шарафли касб эгаларидан бири сержант Зебо Валихоновадир.

Зебонинг Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётганига ҳам ўн йилга яқинлашиб қолди. Унинг шарафли касб этагини тутишга амалияси — офицер Илёс Валихоновнинг таъсири катта бўлган. Ҳарбий хизматчи бўлиш орзусини биринчи бўлиб қўлаган инсон ҳам айнан у эди. Зебонинг қатъияти оила аъзоларининг ҳам унга ишонч билан қарашларига туртки бўлди.

Қисқа фурсат ичида у ҳарбийлик касбига муносиб эканлигини ҳар томонлама намойиш қилди. Касб масъулиятини тегаран ҳис қилиб, ўз устида тинимсиз изланди, соҳасининг устаси бўлишга интилди. Интилишлари бесамер кетмади. Бугунги кўнда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида фаолият кўрсатаётган фидойиларнинг бирига айланди.

— Сержант Зебо Валихонова ўз вазифасига сийққидилдан ёндашди, — дейди офицер Ихтиёр Мардонов. — Жамоат ишларида ҳам фаолияти билан ажралиб туради. Изланувчан, ўта масъулиятли, намунали ҳарбий хизматчи хислатларининг бари унда муҳассас, десак, муболага бўлмайди.

Ҳа, бу эътироф беҳижга эмас. Шунга ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли, Зебо Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида ўтказиб келинаётган аънавий спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиси. Айниқса,

— Тикувчиликка қизиқишим катта бўлгани учун тикувчилик курсида таҳсил олганман, — дейди хонадон бекаси. — Кейинчалик замонавий ларда тикувчи курсида ҳам ўқидим. Бугун аёллар ва эркаклар уст-бошлари билан бир қаторда замонавий услубдаги пардаларни ҳам тикаман. Буюртмалар ҳам қабул қилаяпман. Ҳўнарли аёллар доим турмуш ўртолқларига кўмақдош бўлиб келишган. Сўбатимиз мавзуси аёл бахти ҳўсусида кетганда Дилфузахон ўз фикрларини қўйишга баён қилди: — Аёлнинг бахти шўбҳасиз, оиласи билан. Ҳаётим фарзандим ва турмуш ўртоғим билан файзли. Уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Албатта, ҳарбийнинг аёли бўлиш ҳам шарафли ва масъулиятли. Лекин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзаро ишонч ва ҳўрматни асраш, сабр-қаноатли бўлиш оилани эл ҳўрматыга етказди, деб ўйлайман. Биз ўмр йўлдошим иккимиз ҳам ҳаётнинг ушбу мезонига амал қилиб яшаб келаяпмиз. Шу кўнга қадар орамизда тушўнмовчиликлар бўлмагани ҳам шўндан бўлса керак балки. Ҳаётимдан жуда мамнўнман. Орузим — бундан бўён ҳам бахтли-саодатли турмуш кечириб, фарзандларим камолини кўришдир.

— Ватан тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳамма замонларда ҳам эркак киши зиммасига юклатилган, — дейди ҳарбий оила бошлиғи. — Шўнинг учун биз ҳеч қачон бурчимизни унутмаслигимиз керак. Оилани асраб-авайлаш, моддий томондан таъминлаш ҳам бизнинг вазифамиз. Шўнингдек, ҳар бир йигитнинг оиласида тинчи бўлса, хизматда, бажарадиган ишда унўм бўлади. Бўнинг учун аввало эр ва хотин ўртасида меҳру муҳаббат ва садоқат бўлиши керак. Мен ўзимни бу борада бахтли санаишга ҳақиман. Хизматдан ҳўриб қайтганимда чарчўнми кўтаргўвчи фарзандларим, аёллик вазифасини жойига қўядиган рафиқам борлиғи меннинг тўғри бахтимдир. Шўнинг учун хизмат бўричм сабаб қарерда бўлмайин оиламдан кўнглим тўқ ҳолатда вазифамни давом эттирам.

Сўбатимиз давомида билдикми, бу оила соҳиблари ҳамма вақт иноқликда, бир-бирларини эъозлаб яшамоқдалар. Таъкидлаб ўтишганидек, уларнинг айна дамдаги бахтли ҳаётида сабр ва қаноат, ўзаро ҳўрмат ва ишончининг ўрни юқори бўлган, албатта. Тилагимиз уларга доимо шаҳарчининг барчага ўрнат, нуфузли хонадон сафиди бўлиш насиб этаверсин.

**Гўлнора ҲОЖИМУРОВА,**  
лейтенант



Она Ватан тинчлигига масъулмиз

## ШИЖОАТЛИ ҚАЛБ СОҲИБАСИ

**Аёл ҳаёт кўрки, жамият гули, оила бекаси. Уларсиз ҳаётини, тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳам аёл-оналарга катта эътибор қаратиб келинади. Улуғ Истиқлол шарафати билан жамият ҳаёти ва ривожига уларнинг жўшқин фаолияти аққолроқ акс этмоқда. Аёллар жамиятимизнинг барча соҳаларида фаол қатнашишмоқда.**

2009 йилда бўлиб ўтган мусобақада у нишонга олиш баҳсларида биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу юксак натижа кетма-кет икки бора такрорланди. Билим юрти ҳарбий хизматчилари бўлиш аёлларнинг бу йилги зафарли ютуқларида шижоатли сержантнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Ҳа, навбатда унинг фидойиларча хизмати ҳам муносиб ба-

ҳоланди. У бир неча бор фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Сержант Валихонова юракдаги эътиборини учун Ватанин чекиниш муҳаббат билан севиб келаркан, — деб ҳисоблайди. Ҳа, унинг ўзи ҳам ана шундай қалбда ўти сўнмас фидойиларнинг биридир.

**Инобат ИБРОҲИМОВА**

## Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## ҲАЙРАТИМИЗ СУРАТЛАРГА КЎЧДИ...

**Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ юртимизда ушбу энг улуғ, энг азий байрамни муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлашга катта тайёргарлик кўрилимоқда.**

Шажар ва қиллоқларимизда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, жойларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳ ва меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

**Бернард БИНОТ (Франция):** — Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингизни бежиз жаннатноманд дейишмас экан. Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари гўяда гўзал ва мафтўнкор. Айниқса, Тошкентнинг тунги таровати мени ҳайратлантирди. Тинч ва осойишта шаҳар кўчаларини оқшом пайти сайр қилганимда, ҳаётимни илқ ҳўсиётлар чўлаб олди.

Хива эртаклар шажарига ўхшайди. Бу ердаги бетакор ёдгорликлар ҳайратга солади кишини. Бири иккинчисига ўхшамайдиган тарихий обидалар ота-боболарингиз зақосидан, ўтмиши буюк халқингизнинг қудратидан сўзлайди. Юртингиз тарихи билан танишиб, самимий инсонлар билан сўхбатлашиб, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, Ўзбекистоннинг нафақат ўтмиши, балки келажиги ҳам буюк эканлиги амин бўлдим.

**Пьеро ЛЕМБИ (Италия):** — Буюк Ипақ йўлида жойлашган қадимий Хоразм замини, унинг гавҳари — Хива шаҳри менда бир умрлик ўчмас таассурот қолдирди. Айниқса, Ичан қалъадаги тош дарвоза, ҳайратомуз обидалар, сарбаланд минораю нулий гўмбазлар, маҳобатли карвонсаройлар... Буларни шўнчаки ҳавас ёхуд сониялик завқ билан кузатиб бўлмайди. Хива обидаларидаги ҳар бир ғишнинг ўз ҳўкмати бордек тўлолади. Уларни ҳўжжалаб ўқиғинг, сир-синаотларини англагинг келади. Бу шаҳарни бир ўмр соғиниб яшасак керак.

**Георг БИТЦМАН (Германия):** — Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо Хива шаҳрини кўриб, очиги, ҳайратдан лол қолдим. Буни қаранг, бир шаҳарда икки қалъа — Ичан қалъа, Дешош қалъа! Улардаги асрий обидалар салобати, кўрки, чиройли хотирамизда бир ўмр муҳрланиб қолишига ишонман.

Кўнча шаҳарнинг ҳар қадамида тарих ва ана шу тарихини яратган буюк инсонларнинг улуғ, бетакор ишлари самараси муҳассас. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари акс этган совға-саломларининг ўз ақилларимизга топширар эканман, олам-олам таассуротларини уларга гапириб бераман, албатта.

**Эрмин КАГЕ (Норвегия):** — Ўзбекистон мустақиллигининг кўтлуг 20 йиллик байрами арафасида барча жойда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига ғувоб бўлди. Ораста ва сўлим хиёбонлар, боғу гулзорлар кишига завқ бағишлайди. Одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч, табассум кўнгилга зиё бахш этади. Қўнмиш ҳаваларида, ўйингоҳларда болаҳоиларнинг қувонч қулгуси жаранглаб турибди. Буларнинг барчаси мамлакатда қарор топган тинчлик ва осойишталикдан нишон. Юртингизга байрамлар жуда ярашди.

Бозорларингиздаги тўқин-сочинликни кўриб, ҳавасим келди. Мазаси озгингизда қоладиган мевалар, қовун-тарвузалар, бири-бирдан ширин ўзбек таомлари... Барчасини таърифлашга тил ожиз. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини томоша қилиб, лол қолдим. Ҳайратларимни суратларга муҳрладим. Келажакда оилам, фарзандларим билан Ўзбекистонга келишни ният қилиб қўйдим.

**ЎЗА МУХБИРИ ШАВКАТ ХУДОЙБЕРГАНОВ**  
ёзиб олди.

## ВАТАНИ МАДҲ ЭТУВЧИ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Истиқлол тўғрисида миллий қадриятларимиз қадр топиб ўзлгимизни танидик, кимлар авлоди эканлигимизни яхши англадик, — дейди Сергели туманидаги «Обод» маҳалласи фаоли Зулфия Сапаева. — Мен 41 йил мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бердим. Илгари мактабларимиз қандай аҳволда эканлигини яхши билмаман. Истиқлол тўғрисидаги таълим соҳасида амалга оширилган тўб ўзгаришлар, янгиланишлардан беҳад қувончман. Фарзандларимизнинг билим олишлари учун бундан шарт-шароитлар яратилган замонавий таълим маҳкасаларининг барпо этилаётганлиги, маҳаллаларимизнинг янада гуллаб-яшнаётганлигидан бошимиз осмонга етмоқда. Бизнинг «Обод» маҳалламиз ҳам ўз номига яраша обод бўлмоқда. Бундай тинч ва осойишта, меҳр-оқибат, бирдамлик, ҳайру саховат маскани бўлган маҳаллалар қайси бир мамлакатда бор? Илоҳим юртимиз тинч, истиқлолимиз абадий бўлсин.

— Юртимизда ёшларнинг билим олиши, ҳўнар ўрганиши учун яратилаётган кенг имкониятлардан хурсандимиз, — дея сўбатимизга қўшилишда мустақиллик тенгдошлари бўлган Юнусобод туманилик Фотима ва Зўҳра Олимовалар. — Биз ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишимиз, билим чўққиларини эгаллашимиз, ҳўнар ўрганишимиз учун раҳнамолик қилаётган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўиш энг эзгу тилагимиз.


Дарҳақиқат, ҳамюртларимизнинг юракдан айтган самимий дил сўзлари ва тилакларини тинглаб, замини зар, суви гавҳар, Ҳўзр назари тушган, жаннатмакон бир юрда яшар эканмиз, бу заминдаги ҳаёт гўлтожи ҳисобланмиш инсонга бўлган эътибор, қадимий миллий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги сўй-ҳаракатлар, дилин яратиб, кўзни қувонтираётган бунёдкорлик ишлари ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини ошириб, шўкроналик ҳиссини уйғотмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**  
Қозим Улмасов олинган суратлар









Бугунги кунда шахримизнинг қай бир гўшасига борманг, Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — истиқлол шодиёналарига ўзига хос шоду хуррамлик билан, шукуҳга тўла барокатли ва файзли кунлар оғушида қизгин тайёргарлик кўрилатганининг гувоҳи бўласиз.

## ЮТУҚЛАР ВА ИМКОНИАТЛАР НАМОЙИШИ

Учтепа туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, маданият ва спорт ишлари, Маънавият ва тарғибот марказининг туман бўлими раҳбарлари билан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Богшамол» маданият ва истироҳат боғидаги байрам олди шодиёналари ҳам қизиқарли тарзда ўтди.

Унда туман ҳаётидаги ютуқларни акс эттирувчи фотосуратлар, стендлар, турли кўргазмалар намоийши барчага бирдай манзур бўлди. Тадбирда Тошкент шаҳри ва Учтепа тумани ҳокимликларининг масъул ходимлари сўзга чиқиб, йиғилганларни Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 20 йиллиги шодиёналари билан муқарраб эътибор билан, шунингдек, истиқлол шуқуҳининг ҳар бир хонадонга юракларини жунбушга келтирган ҳолда кириб келгани, 20 йил ичида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари ва фан, маданият, санъат, иқтисодиёт соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек туман миқёсида олиб борилган самарали ишлар, келажакдаги режалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Эл севган санъаткорлар, адилбар, бадиий ва ҳаваскорлик жамоалари иж-

росидаги дилрабо куй ва кўшиқлар, театрлаштирилган сахна кўринишлари, жозибдор рақслар барча иштирокчилар ва ташриф буюрган меҳмонларнинг қалбига хушнудлик ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Байрам тантаналари доирасида «Ватанимни севаман» мавзуида болажонлар учун асфальтга расм чизиш бўйича танлов бўлиб ўтди. Унда маҳаллалардан келган болажонлар саҳий заминимиз, осмонимизда мунаввар нур сочиб турган кўёш, юлдузлар, она табиат манзаралари, дўстлик ва биродарлик тасвирланган расмларини ҳақамлар ҳайъатига тақдим қилдилар.

Тантаналар давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

«Ватанимиз янгидан-янги имкониятларни намоеён этиб, нуфузи кундан кунга ошиб бораётган истиқболли ёрқин мамлакатдир», — дейди «Кўркамбод» маҳалласи оқсоқоли Саидкарим Сотволдиев. «Ўтган йиллар мобайнида тараққийнинг ўзига хос истиқболли ва нури йўлларини босиб ўтдик. Биргина пойтахтимиз тимсолида амалга оширилаётган улкан ишлар ва ютуқлар жаҳон жамоатчилиги диққатини тортмоқда. Бозорларни қайта таъмирлаш, равон йўллар барпо этиш, шахримизни обод ва озода



масканга айлантириш, меъморчилик соҳасидаги ишлар, маҳобатли ва кўркам биноларнинг қад ростлаштириш замирида мамлакатимиз тараққийоти ва юксалишининг ёрқин намуналарини кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олаётганимиз ва шод-хуррамлик билан нишонлаётганимизнинг ўзи саодатли кунлар меvasидир. Бундай ёруғ ва улуг кунлар учун шуқрона айтаман.

— Юртимиз Истиқлолни 20 йиллиги кенг миқёсда нишонланаётган кутлуг кунлар шуқуҳидан баҳрамандмиз, — дейди 22 — Оилавий поликлиника бош шифокори Мунира Шаҳобова. — Шундай дорилоним кунларга етиб келганимизнинг ўзи бахт. Қарийб элли йилдан кўпроқ вақт мобайнида эл саломатлигини мустаҳкамлаш, муҳофазалаш ва тез ҳамда сифатли ёрдам кўрсатиш борасида хизмат қилаётганимдан жуда мамнунман. Аслида халқ соғлиғидан муҳимроқ иш йўқ. Мустақиллик туфайли жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган тиббий асбоб-

ускуналар билан таъминланган ёруғ, шинам, барча қўлайликларга эга кўркам поликлиника биносига эга бўлдик. Маҳалла аҳлига ва беморларга яратилган бундай имкониятлар негизда халқ саломатлиги, тинчлиги, ёшларимиз ва қарияларимизнинг соғлом турмуш тарзлари мустаҳкамлиги мужассам. Истиқлол берган неъматларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Унинг ҳар бир йилида эзгу ишлар, яхшиликка, бирдамликка қорлайдиган мунаввар кунлар ёғдуси нур сочиб турибди.

Ҳа, Истиқлолни истикболли, нури йиллари Ватанимиз тараққийотини, кишилар хотиржамлиги ва осойишталигини, диёримиз тинчлигини, ёшларимизнинг порлоқ келажакини таъминлаш баробарида, одамлар қалбига ахшилик, гўзаллик, бир-бирларига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуларини янада сингдириб, мустаҳкамлаб бормоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: байрам тадбиридан лавҳа.

Қозим Ўлмасов олган сурат



## МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ТИНЧЛИК ҲАҚИДА

Тинчлик — дилга нуру, қалбга ором.

Тинчлик — осойишталикнинг онаси.

Тинчлик — гулзор, уруш — хароба-зордир.

Тинчликдан ҳамма бахтиёр.

Тинчлик ўрнатилмай, юракларни тинчитиш қийин.

Тинчлик — бахт замини.

Орзунинг ижобати — тинчликда.

Тинчлик — тўқис-туғалликдир.

Тинчлик — келажакнинг ободонлиги.

Тинчлик деган биргина сўздан эсанг шабада — бутун оламни бахтиёр қилади.

Осмон кўёши билан, замин тинчлиги билан мукамал.

Тинчлик — фаровонлик демакдир.

Тинчлик — болаларнинг бахти, оналарнинг саодатидир.

Келин билан кўёвнинг тольеини тинчлик беради.

Тинчлик — ёшлар бахтиёрлигию кексалар осойишталиги.

Фаровон давр — тинчликники.

Тинчлик — инсоният тараққийотидир.

Бунёдкорликлар — тинчлик маҳсули.

Тинчликнинг эҳсони чексиз.

Халқ тинчлигини бузган омон қолмайди.

Тинчлик — курашлар натижаси.

ХОТИРА ВА АБАДИЯТ ҲАҚИДА

Хотира — онгда қотиб қолган лавҳадир.

Хотира — ўтмишни ортиб олган фикр қарвонидир.

Хотира — бир авлодни иккинчи авлодга улайдиган кўприқдир.

Юрак дафтарига ёзилган хотира оморда туради.

Ота-боболарни хотирлаб туриш — муқаддас иш.

Тарих саҳифасига ёзилганларни ҳеч ким ўчира олмайди.

Инсониятга хизмат қилганларнинг номи — келажак асрларда ҳам кезиб юриди.

Яхши одамларнинг қисқа умрларидан мангуликлар қолади.

(Давоми бор)

Ёз — 2011

## БИЗ — БАХТИЁР АВЛОДМИЗ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Бойчечак» кундузи оромгоҳида «Қамолот» кунлари ўтказилди.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтган ўшбу тадбирда халқ таълими тизими ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Юртимиздаги барча оромгоҳларда ёшларнинг ёзги таълими мароқли ва мазмули ўқазилди, уларда олиб борилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёзги мавсумда «Бойчечак» кундузи оромгоҳида етти юз нафардан зиёд ўқувчини дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Ҳозиргача уларнинг беш юз нафарга яқини қамраб олинди. Айни пайтда бу ерда 125 нафар ўқувчи дам олмоқда.

Оромгоҳда ёшлар кўнгулли дам олиб, саломатлигини яхшилаши учун барча шароит яратилган. Турли ижодий, спорт ва касб йўналишлари бўйича тўғарақлар, компьютер синфлари ташкил этилган. Ўшбу масканда мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар, пойтахтимизнинг тарихий масканларига ва спорт мажмуаларига саёҳатлар уюштирилмоқда.


«Қамолот» кунлари доирасида ўтказилаётган «Саломатлик — туман бойлиги», «Спорт — менинг ҳаётим», «Ватан туйғуси», «Биз бахтиёр авлодмиз» тадбирлари, қатор лойиҳалар, концерт дастурлари ёшларда катта таассурот қолдиришмоқда.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги ана шундай акция доирасида ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича беллашдилар. Шифокорлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати ёз мавсумида санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби мавзуларга бағишланди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшлар «Қамолот»нинг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир якунида Республика кўғирчоқ театрининг «Семурғ» спектакли намоийш этилди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ЛИЦЕНЗИЯ: RR-0001.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ»  
Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ўз ҳудудий филиалларига эгадир.

Жамият Республикамиз ҳудудида риэлторлик соҳасида куйидаги йўналишлар бўйича хизматларни кўрсатади:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатиш.

Жамиятда сифатли риэлторлик хизматларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар ва кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар мавжуд.

«Ko'shmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни хамкорликка таклиф этади.

Хурматли юртодошлар!

Жамиятимизда Сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

- Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1а-уй.
- Муржаат учун телефонлар: 228-80-23, 228-80-24, факс: 228-84-48.
- Электрон почта: rieltorsavdo@inbox.uz

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ЭНГ БИРИНЧИ, ЭНГ ИШОНЧЛИ.

Олмазор туманидаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2011-2012 ўқув йили учун тендер танлови ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 228-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Миралиев Мирзиёв Мирганиевич номига берилган № 3459325 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида давом этаётган «NBU Cup – 2011» халқаро турнирининг яққалиқлар ўртасидаги ярим финал баҳсларида ҳамда жуфтликлар ўртасидаги финал беллашувларида иштирок этадиган теннисчилар аниқланди.

## Спорт янгиликлари

### БОШ СОВРИНГА БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ

Ўсмирлар ўртасидаги яққалиқ баҳсларининг чорак финалида биринчи рақамда сараланган теннисчимиз Темур Исмоилов ҳамюрти Темур Хабибуллинга 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди. У финал йўлланмаси учун кенчадиган баҳсда россиялик Станислав Коршунов билан куч синашади.

Яна бир ҳамюртимиз Павел Цой ҳам тожикистонлик Акбар Раҳмонга қарши қортоқ чикиб 7:6, 7:5 ҳисобида ғалаба қозонди. П.Цой ярим финал баҳсида яна бир теннисчимиз Сергей Шипиловга қарши ўйнайди.

Жуфтликлар мусобақасида эса финалчилар аниқланди. Ярим финалда Темур Исмоилов ва Санжар Файзиёв жуфтлиги ўзбекистонлик Аҳмад Жамол Муҳаммад ва россиялик Станислав Коршунов дуэтини 6:1, 6:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, Жаҳонгир Жалолов ва Сергей Шипилов россиялик теннисчилар — Кирилл Цаплин ва Артур Шахнубарянни 6:2, 6:3 ҳисобида енгди.

## СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ УКРАИНАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Украинада пенчак-силат бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ўзбекистонлик яққакураш усталари 13 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Запорожье шаҳри мезбонлик қилган мусобақада ўнга яқин давлатдан 150 нафар спортчи иштирок этди. Пенчак-силат бўйича ўзбекистон терма жамоасининг барча аъзолари совринли ўринларни эгаллади.

Ҳамюртларимиздан Шаҳзод Азизов, Муҳаммад Раҳимов, Жаҳонгир Валиев, Абдулазиз Адхамжонов, Фурақт Ёқубов, Ойбек Валихон, Санжар Мирҳайдаров ва Сарвар Хайруллоев шохушунинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Озод Сафаров ва Жаҳонгир Тўхтаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Ислон Жўраев, Жавлон Носиров ва Жаҳонбек Равшанов бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРДОВ,  
ЎЗА мухбири



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
2981 ҳосада босилди.  
Қоғоз белими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва сақланган.

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.